



ПРОКУРОР НАЗОРАТИГА ОИД МУДДАТЛАРНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Кадилова Мохигул Хамитовна

Жиноят-процессуал ҳуқуқи

кафедраси доценти, ю.ф.н.

E-mail: m.kadirova@tsul.uz

<https://www.doi.org/10.37547/ejar-v03-i02-p1-12>

ARTICLE INFO

Received: 26th January 2023

Accepted: 05th February 2023

Online: 06th February 2023

KEY WORDS

Прокурор назорати,
муддатлар, рақамлаштириш
ва соддалаштириш.

ABSTRACT

Мақолада жиноят процессида прокурор назорати шакли ва процессуал муддатлари ҳуқуқий таҳлил этилган. Прокурор назоратини рақамлаштиришга доир таклиф ва тавсиялар илмий асослантилган.

Қонун талабига кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар суриштирув ва дастлабки тергов органлари, шунингдек терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этиши устидан назоратни амалга оширадилар. Прокурор қонун бузилиши ким томонидан содир этилганлигидан қатъий назар, уни бартараф этиш учун қонунда назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида кўриши шарт. Прокурор жиноий таъқибни амалга оширувчи, жиноят ишларининг тез, ҳар томонлама, холисона тергов қилинишига раҳбарлик қилувчи ва айни вақтда бу фаолият устидан судга қадар иш юритув босқичида назорат юритувчи ягона масъул давлат хизматчиси. Бу жараёнларда асосий эътибор терговга қадар текширув, тезкор-қидирув, суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатлари сифатли ўтказилишига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга, айбсизлик презумпцияси, жиноят процессининг бошқа инсонпарварлик принципларига риоя этилишига қаратилмоғи лозим¹.

Терговга қадар текширув, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнларида прокурорнинг назоратига доир ваколатлари доираси ЖПКнинг 47-боби 382-388-моддаларида, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 28-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқ ва кўрсатмаларидаги ҳуқуқий меъёрлари билан белгиланади. Прокурор ўз ваколати доирасида терговга қадар текширув, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатлари қонунга ва норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ ўтказилиши устидан назорат олиб боради ва назорат ана шу ҳаракатларни ўтказиш чоғида бевосита иштирок этиш, шунингдек, улар ўтказилганига оид баённома ва бошқа ҳужжатлар билан танишиш йўли билан амалга оширилади. Прокурор терговга қадар текширув, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг қонунга хилоф ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилади. Прокурор ўз

¹ Уголовно-процессуальное право. Учебник. – Т.: ТГЮУ, 2022. –С. 129-130.



фаолияти доирасида протест, қарор, тақдимнома, ариза, огоҳлантирув каби назорат ҳужжатларини қабул қилади².

Жиноятлар ҳақида аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш тартибини белгиловчи қонун талабларининг ўз вақтида ва тўғри бажарилиши жиноятларнинг тез ва тўлиқ фош этилишини таъминлаш билан бирга, жиноят содир этганликда айбдор бўлган шахсни асосли жиноий жавобгарликка тортиш ва жиноятга алоқадор бўлмаган ёки айбсиз бўлган шахс жиноий жавобгарликка тортилишининг олдини олиш ҳамда содир қилинган жиноят учун жазонинг муқаррарлиги тамойилининг ҳаётга татбиқ қилиниши кафолатидир. Шу боис, прокурор назорати жиноят содир этилгани ёки унга тайёргарлик кўрилатгани ҳақида ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, ҳал этиш ва тегишли қарор чиқариш пайтидан бошланади. Шу муносабат билан тезкор-қидирув чоралари кўрилганлигига оид ҳужжатлар ва бошқа турдаги материалларнинг ҳам қонунга мувофиқлиги прокурор томонидан назорат остига олиниши зарур.

Прокурорнинг терговга қадар текширув устидан назорати ЖПКнинг 337-338-моддалари қоидаларидан бошланиб, у жиноят ишини қўзғатишнинг қонунийлиги устидан назорат олиб боради:

- 1) жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарорни бекор қилишга ва иш қўзғатишни рад қилишга;
- 2) жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорни бекор қилишга ва айтилган вақтда иш қўзғатишга ҳақлидир.

Бунда терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг иш қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарори устидан прокурорга, прокурорнинг иш қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарори устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкин.

Шу ўринда, Н.Муратованинг, терговчининг процессуал ҳужжати адолатлилиги унинг асослантирилиши ва ўз вақтида қабул қилиниши талабига чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг қонунийлигининг бир кўринишидир. Зеро, адолат тушунчаси нафақат ахлоқий, балки ҳуқуқий тушунча ҳамдир³, деган фикрлари айтилган мустаҳкам.

Б.Мухамедов эса, прокурорнинг розилиги билан тергов ҳужжатларининг судга тақдим этилиши амалиётда ўзини оқламоқда ва бу тартиб асоссиз мурожаатларнинг олдини олувчи прокурор назорати функциясининг самарали фильтри, деб ҳисоблайди⁴.

Дарҳақиқат, суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини юритишда қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат ҳам прокурор томонидан амалга оширилиб, жиноят содир этилгани тўғрисидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш, текширишни амалга оширишнинг қонунда белгиланган тартиби, чиқарилган қарорларнинг қонунийлиги суриштирув ва дастлабки тергов

² О.Мадалиев, А.Алламурастов. Прокурор назорати. Ўқув-услубий қўлланма. –Т. 2004. –Б. 9.

³ Н.Муратова. Процессуальные акты органов предварительного расследования: вопросы теории и практики. Монография. –Казань. 1999. –С. 72.

⁴ Б.Мухамедов. Дальнейшие перспективы развития института «Хабес корпус» в Республике Узбекистан. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ахборотномаси. 2013. №3. –Б. 39-41.



органларининг қонунларнинг ижро этилиши устидан олиб борадиган назоратининг соҳасидир. Прокурор жиноятларни тергов қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, уй қамоғи бўйича қўшимча тақиқ (чеклов) белгилаш ҳақида илтимоснома қўзғатиш жиноят тавсифини белгилаш, ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш⁵, айрим тергов ҳаракатларини бажариш ва жиноят содир этган шахсларни қидириш тўғрисида ёзма кўрсатмалар беради. Терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш, қидириш ҳақидаги қарорлар, суднинг қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажримини ижро этиш⁶ни, шунингдек прокурор ёки прокуратура терговчиси юритувидаги ишлар юзасидан жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни аниқлаш учун зарур чораларни кўриш тўғрисида кўрсатмалар беради.

Прокурорнинг ЖПКда назарда тутилган тартибга мувофиқ суриштирув ва дастлабки тергов органларига ҳамда терговга қадар текширувни ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга терговга қадар текширув ўтказиш, ишларни қўзғатиш ва тергов қилиш билан боғлиқ бўлган кўрсатмалари ана шу органлар учун мажбурийдир.

Прокурор ёки унинг ўринбосари кўп воқеали жиноят ишлари бўйича айбловнинг айрим воқеалари юзасидан муайян шахсга нисбатан тўпланган далилларни айблов хулосаси ёки айблов далолатномасини тузиш учун етарли деб эътироф этса, шу воқеалар бўйича терговни тамомлаш ва ишни судга юбориш ҳақида ёзма кўрсатма беришга ҳақли.

Башарти айбловни тўлдириш ёки уни оғирлаштириш томонига ёхуд ҳақиқий ҳолатларга кўра аввалги айбловдан жиддий фарқ қиладиган томонга ўзгартириш талаб қилинса, прокурор ёки унинг ўринбосари қўшимча ёки ўзгартирилган айб эълон қилиш учун ишни қўшимча терговга қайтаради. Айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси билан келган жиноят иши бўйича прокурор ёки унинг ўринбосари эҳтиёт чорасини ўз қарори билан бекор қилишга, ўзгартиришга ёки илгари эҳтиёт чораси танланмаган бўлса, шундай чорани татбиқ этишга ҳақлидир. Жиноят иши судга юборилгунга қадар прокурор ёки унинг ўринбосари суд мажлисига чақириладиган шахсларнинг рўйхатини ўз қарори билан қисқартириш ёки тўлдиришга ҳақлидир. Бунда айбланувчилар, муомала лаёқатига эга бўлган жабрланувчилар, вояга етмаган айбланувчиларнинг қонуний вакиллари, шунингдек фуқаровий даъвогар деб эътироф этилган шахслар ёки фуқаровий жавобгар тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинганлар ва уларнинг вакиллари рўйхатдан тушириб қолдирилиши мумкин эмас. Дастлабки терговда ёки суриштирувда гувоҳ сифатида сўроқ қилинмаган ва эксперт

⁵ Маълумот учун: 1926 йил 16 июндаги 1-ЖПК, 1929 йил 29 июлдаги 2-ЖПК ҳамда 1959 йил 21 майдаги 3-ЖПКларда “айбланувчи сифатида жалб қилиш” эмас, “жавобгарликка жалб қилиш” қоидалари ўрнатилган. Қаранг: Н.Қўшаев. Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш. Монография. –Т. 2011. –Б. 34-36.

⁶ Пўлатов Б.Х. Конституция талабларига риоя қилиш – ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг ҳуқуқий маданияти // ТДЮИ Ахборотномаси, 2009. -№8. –Б. 31.



сифатида хулоса бермаган шахслар рўйхатга қўшимча қилиб киритилиши мумкин эмас.

Прокурор ёки унинг ўринбосари айблов хулосасини ёки айблов далолатномасини тасдиқлаб, жиноят ишини тегишли судга юборади. Шу судга иш билан бирга суд мажлисида текшириш ва ҳал этиш учун барча илтимослар ва шикоятлар юборилади. Прокурор ёки унинг ўринбосари ишнинг судга юборилганлиги ҳақида айбланувчига ва ҳимоячига, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига дарҳол хабар қилади ва, агар илтимослари бўлса, уларни судга юборишга ёки суд мажлисида баён қилишга ҳақли эканликлари тўғрисида маълум қилади. Айни вақтда прокурор ёки унинг ўринбосари айбланувчига ва ҳимоячига айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси ва унга қилинган иловаларнинг тасдиқланган нусхаларини юборади, суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхати бундан мустасно, башарти айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси ёхуд иловага ўзгартишлар киритилган бўлса, уларни ўзгартириш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси ҳам юборилади⁷.

Агар айбланувчи қамоқда сақланаётган бўлса, ҳужжатлар прокурорнинг топшириғига кўра унга қамоқда сақлаш жойининг маъмурияти томонидан улар келиб тушган куни тилхат олиб топширилади, тилхат ҳужжатлар топширилган сана ва вақт кўрсатилган ҳолда судга тақдим этилади.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 июлдаги 431-сон қарори билан тасдиқланган “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида ягона электрон иш юритув тизими орқали маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни юритиш тартиби ҳақида” Низомига мувофиқ, “Е-маъмурий иш” электрон рақамли тизим йўлга қўйилган бўлиб, агар маъмурий ишларни кўриб чиқиш пайтида ваколатли орган жиноят аломатлари бор деган хулосага келса, “Е-маъмурий иш” тизими орқали материалларни электрон рақамли шаклда тегишли прокуратура органига юбориши шарт. Прокуратура органи томонидан материалларни текшириш натижасида жиноят аломатлари йўқлиги аниқланган тақдирда, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақидаги қарор ва маъмурий иш ҳужжатлари “Е-маъмурий иш” тизими орқали ваколатли органга қайтариб юборилиши лозим⁸.

Жамиятга таҳдид солаётган жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини ошириш ва жиноий жавобгарлик муқаррарлигига эришиш жиноят тажовузларини очиш, уларни содир этганларни аниқлаш ва фош этишда халқаро ҳамкорликни ҳам тақозо қилади. Аввало, бу соҳада бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, жумладан, “Экстрадиция қилиш тўғрисида” Европа Конвенцияси (1957 йилда қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси томонидан 1993 йилда имзоланган) ва “Фуқаровий, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Минск конвенцияларидир (1993 йил 22 январда имзоланган).

⁷ Жиноят-процессуал ҳукуки. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. –Т.: ТДЮУ, 2020. –Б. 34-38.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 июлдаги 431-сон қарори билан тасдиқланган “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида ягона электрон иш юритув тизими орқали маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни юритиш тартиби ҳақида” Низомига 42-43-бандлари.



Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига 2010 йил 28 сентябрда киритилган ўзгартиш ва қўшимчага мувофиқ, ЖПКнинг ўн тўртинчи бўлими “Жиноий суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик” масалаларига бағишланди. ЖПКнинг 601-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосари томонидан қабул қилинади. Айтиб ўтиш керакки, бир шахсни ушлаб бериш тўғрисида бир неча давлатнинг сўрови мавжуд бўлганда, шахсни қайси давлатга ушлаб бериш кераклиги тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори қабул қилади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қабул қилинган қарор тўғрисида ўзига нисбатан қарор қабул қилинган шахсни йигирма тўрт соат ичида ёзма равишда хабардор қилади ва мазкур қарор устидан ЖПКнинг 602-моддасига мувофиқ, шикоят қилишни тушунтиради. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш ҳақидаги қарор ўзига нисбатан қарор қабул қилинган шахс ёзма равишда хабардор этилган пайтдан эътиборан *ўн сутка* ўтиши билан кучга киради. Қарор устидан шикоят қилинган тақдирда, шахсни ушлаб бериш суднинг ажрими қонуний кучга киргунига қадар амалга оширилмайди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ёки унинг ўринбосарининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги қарори устидан сўралаётган шахс қамоқда сақланаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоят ёки Тошкент шаҳар судларига мазкур шахс ёхуд унинг ҳимоячиси томонидан хабарнома олинган пайтдан эътиборан *ўн сутка* ичида шикоят қилиниши мумкин.

Сўралаётган шахс қамоқда сақланаётган жойнинг маъмурияти шикоятни олиши билан уни *дарҳол* судга юборади ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасини ёзма равишда хабардор қилади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хабарнома олинган кундан эътиборан *уч суткадан кечиктирмай* судга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги қарорнинг қонунийлиги ва асослилигини тасдиқловчи материалларни юборади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ёки унинг ўринбосарининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш тўғрисидаги қарори устидан берилган шикоятни кўриб чиқиш шикоят суд томонидан олинган кундан эътиборан *ўн сутка* ичида *уч нафар судьядан* иборат таркибда, очиқ суд мажлисида прокурор, ўзига нисбатан ушлаб бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинган шахс ва агар ишда иштирок этаётган бўлса, унинг ҳимоячиси иштирокида амалга оширилади.

Суд муҳокамаси давомида суд шикоят берган шахснинг айблилиги маласини муҳокама қилмай, устидан шикоят берилган қарорнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқлигини текшириш билан чекланади. Суднинг ажрими устидан апелляция шикояти бериш ёки протести билдириш *муддати* тугаши билан қонуний кучга киради. Суднинг ажрими устидан у чиқарилган кундан эътиборан *ўн сутка* ичида апелляция тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин. Апелляция шикояти ёки протести ажримни чиқарган суд орқали берилиб, суд уни материаллар билан биргаликда *уч сутка* ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига



юбориши ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасини ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Апелляция шикоятчи ёки протести келиб тушган кундан эътиборан *ўн суткадан* кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан кўриб чиқилади. Апелляция инстанцияси судининг ажрими у ўқиб эшиттирилган кундан эътиборан қонуний кучга киради ва *дарҳол* ижро этилиши керак. ЖПКнинг 605-моддасига асосан, шахс, агар у бошқа давлат ҳудудида уни ушлаб беришга сабаб бўладиган жиноят содир этган деб гумон қилиш учун қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган илтимосномасиз ҳам *етмиш икки соатгача* ушлаб турилиши мумкин.

Шу ўринда, Е.Архипованинг, агар халқаро ҳамкорликда замонавий рақамли технологиялардан, айниқса видеоконференцалоқадан фойдаланилса, ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги сўровни бажариш муддатларини узоғи 1,5-3 соатгача қисқаришига, унинг сифати ошишига ва ташкилий масалалар билан боғлиқ молиявий харажатларнинг олди олинишига хизмат қилади⁹, деган фикрлари айтилган.

Акс ҳолда, А.Бастрикин таъкидлаганидек, халқаро ҳамкорликда анъанавий усулда ҳуқуқий ёрдам ўрнатилса, 6 ойдан 2 йилгача ва ҳатто унданда кўп муддатларни ташкил этиши мумкин¹⁰.

Жумладан, видеоконференцалоқадан фойдаланиш қоидалари, даставвал Англияда 1990 йилда қўлланилиб, сўнг барча МДХ давлатлари ва бошқа ривожланган мамлакатлар: Германия, Шотландия, АҚШ, Канада, Эстония, Австрия, Швеция, Италия, Янги Зеландия, Финляндия, Беларусия, Украина, Арманистон, Хитой, Ҳиндистон ЖПКларида мустаҳкамланган. Уларда МДХ давлатларидан фарқли ўлароқ халқаро ҳамкорликда, айниқса тоширилиши сўралаётган қамоқда сақланаётган ёки жиноий жазони ўтаётган шахслар билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни амалга оширишда кенг фойдаланиб келинмоқда¹¹.

Амалдаги ЖПКнинг 596-моддасида, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида процессуал ҳаракатларни бажариш учун жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс томонидан чақирилиши мумкинлиги, ушбу шахсларни чақиришда процессуал мажбурлов чораларини қўллаш таҳдиди бўлмаслиги ва чақирув бўйича келган ушбу шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтгунига қадар содир этилган қилмишлар учун ёки чиқарилган ҳукмлар асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши ёхуд шахсий эркинликнинг бошқача чекланишларига дучор этилиши мумкин эмаслиги ҳамда *ўн беш суткалик узлуксиз муддат* ўтгунига қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудини тарк этиши белгиланган. Худди шунингдек, хорижий давлат ҳудудида қамоқда сақланаётган шахс, башарти бу шахсларни чақириш тўғрисидаги сўровда назарда тутилган процессуал

⁹ Архипова Е.А. Применение видеоконференцсвязи в уголовном судопроизводстве России и зарубежных стран. Автореф. ... канд. юрид. наук. -М. 2013. -С. 31.

¹⁰ Бастрикин А. У нас много общих дел. Европейский союз. 09.06.2011. №5499.

¹¹ Головкин Л.В. Курс уголовного процесса. -Москва. 2017. -С. 1280.



ҳаракатлар бажарилиши учун хорижий давлатнинг ваколатли органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча ўтказилган бўлса, ушбу моддада белгиланган тартибда чақирилиши мустаҳкамланган. Бундай шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўладиган бутун даврида қамоқда сақланаверади. Уни қамоқда сақлашга хорижий давлат ваколатли органининг тегишли қарори асос бўлади. Мазкур шахс сўровга берилган *жавобда кўрсатилган муддатларда* тегишли хорижий давлат ҳудудига қайтарилиши керак.

Шу каби юқоридаги қиёсий-ҳуқуқий таҳлиллар асосида мухтасар айтганда, шахснинг эркинликка бўлган халқаро умум эътироф этилган ҳуқуқини ўз вақтида ва тўла таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган шахсни ушлаб бериш бўйича тезкор якуний тўхтамга келиш ҳамда ўзаролик принцинга биноан видеоконференцалоқа режимида ҳуқуқий ёрдам беришни амалдаги ЖПКда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ. Бундай ўзгартишлар халқаро ҳужжатлар ва икки томонлама шартномалар талабларига риоя этиш, халқаро ҳамкорликда замонавий рақамли технологиялардан фойдаланиш, ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги сўровни бажариш муддатларини узоғи 1-3 соатгача қисқартириш, унинг сифати ошишига ва ташкилий масалалар билан боғлиқ молиявий харажатларнинг олди олинишига ва асосийси шахснинг эркинликка бўлган конституциявий ҳуқуқини янада теранроқ муҳофаза қилинишини таъминлашга хизмат қилади. Шунга кўра, ЖПКнинг 596-моддаси 1-қисмини қуйидаги таҳрирда ўзгартиш зарур:

“Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида процессуал ҳаракатларни бажариш учун жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс томонидан чақирилиши *ёхуд мазкур шахсларни улар турган жойдаги ёки яшаш жойидаги хорижий давлат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органига ёки судига чақирган, техник воситалардан фойдаланган ҳолда видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши мумкин*”.

Шунинг билан бирга, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов устидан прокурор назоратини рақамлаштириш ва бунинг учун ЖПКга электрон рақамли жиноят иши билан боғлиқ қоидаларни мужассам этган “41²-БОБ. Электрон рақамли жиноят ишини юритиш”, деб номланган янги бобни киритиш заруратдир.